Abduvali ISADJANOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, Doctor of Science in economics, docent of the department "The Islamic Economy and finances, pilgrimage tourism». 11, A.Kodiri, Tashkent, 100011, UzbekistanE-mail: a.isadjanov@iiau.uz

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИНЕРАЛ-ХОМАШЁ КОМПЛЕКСИНИНГ ЭКОЛОГИК-ИҚТИСОДИЙ МОДЕЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ФОРМИРОВАНИЕ ЭКОЛОГО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ МИНЕРАЛЬНО-СЫРЬЕВОГО КОМПЛЕКСА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

THE FORMATION OF ECOLOGY AND ECONOMIC MODEL OF THE MINERALS COMPLEX IN GLOBALIZATION

Калит сўзлар*: қазиб чиқарувчи саноат комплекси, табиий ресурслар, модель, экологик омиллар, минерал-хомашё экспорти,. стратегик йўналишлар, эко-инновация, венчур фондлар, инфраструктура.*

Ключевые слова*: комплекс предприятий добывающей промқшленности, природные ресурсы, модель, экологические факторы, экспорт минерально-сырьевых ресурсов, стратегические нарправления, стартап, венчурные фонды, инфраструктура.*

Key words*: complex of mining industry. natural resources, model, ecologic factors, export of minerals, strategic directions, eco-innovations, venture funds, infrastructure.*

Кириш. Мамлакатимизнинг минерал-хомашё базаси жадал ривожланиш эвазига миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борган сари долзарб ва мураккаб йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Минерал-хомашё базасидан самарали фойдаланиш минерал-хомашё комплексининг (МХК) барча бўғинларида фаолият юритаётган геологик-қидирув, қазиб чиқарувчи корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ошириш эвазига мамлакатимизнинг рақобатбардошлик даражасини оширишга имконият очиб беради.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида **м**иллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ресурс-самарадор моделига ўтишнинг асосий йўналишлари устувор вазифа сифатида белгиланган.

Минерал-хомашё комплексининг (МХК) мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ошиб бориши барқарор ривожланиш асосига айланиб, саноатнинг муҳим манбаси ва унинг янги технологик укладга ўтишдаги омили бўлиб қолмоқда.

Услублар. Мамлакатнинг минерал-хомашё комплекси барқарор ривожланишининг бир қатор омилларини асослаб беришда, шу жумладан, старт-аплар, венчур фондлар, эко-инновациялардан фойдаланиш, инфраструктурани ривожлантириш, тармоқ корхоналарининг барқарор ривожланиши таъминлааш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда бир қатор тадқиқот усулларидан фойдаланилди, шу жумладан: тизимли таҳлил, таҳлил ва синтез усули, омиллар асосида таҳлил, шу жумладан ретроспектив ва истиқболни аниқлаш усуллари.

Натижалар: биринчидан, тармоқлар ва корхоналарда венчурли фондларни, венчурли молиялаштиришни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек, иқтисодиётга инновациялар ва янги технологиялар жорий қилишни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқиш; иккинчидан, минерал-хомашё базасидан фойдаланиш самарадорлигининг оширилиши ва МХКнинг такомиллаштирилиши борасида минерал хомашёнинг зарурий (етарли) ички истеъмоли ва экспорти ўртасида иқтисодий жиҳатдан асосланган балансни аниқлаш ҳамда асослаш, ер қаъри имкониятидан оқилона фойдаланиш ва экологик омилларни ҳисобга олиш, экспорт ҳажмини ошириш ва минерал хомашё билан ўзини ўзи таъминлаш моделларидан замонавий диверсификациялашган, инновацион-хомашё комбинациялашган моделига ўтиш; учинчидан, мамлакат минерал-хомашё хавфсизлигини таъминлаш ва минерал-хомашё комплекси рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асослаб берилган.

Муҳокама: Жаҳонда охирги 60 йил ичида минерал хомашёни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш олдинги инсоният тарихига қараганда кўпроқ бўлди. Айрим мамлакатлар гуруҳлари доирасида минерал хомашёни қазиб чиқариш ва истеъмол қилиш кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

Мақоланинг мақсади қазиб чиқарувчи саноат комплексининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни, мамлакатнинг минерал-хомашё комплексининг экологик-иқтисодий моделини шакллантириш муаммолари ва минерал-хомашё ресурсларининг мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига таъсири. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги тадқиқот вазифалари амалга оширилган: Ўзбекистон минерал-хомашё комплексининг барқарор ривожланиши, тизимли таҳлил асосида мамлакатнинг минерал-хомашё комплексининг ҳозирги ҳолати ва иқтисодий ўсиш муаммолари, модернизация жараёнларининг таъсири, ушбу комлекснинг салоҳияти ва ривожланишининг устувор йўналишлари, тегишли чора-тадбирлар ва механизмларни тавсия этиш. Мақолада Ўзбекистон минерал ресурсларининг хусусиятлари, минерал-ҳомашё комплексининг ривожланиш тажрибаси таҳлил қилинган. Замонавий экологик вазиятда мамлакатнинг минерал-хомашё комлексининг барқарор ривожланиш хусиятлари, устувор йўналишлари кўриб чиқилган. Асосий эътибор мамлакатнинг минерал хомашё комплексининг ривожланишига экологик муаммоларнинг таъсири кўриб чиқилган. Минерал-хомашё комплексининг самарали ривожланиши учун айрим чора-тадбирлар амалга оширилиши асосланган, шу жумладан: тармоқ корхоналарини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш, табиий муҳитга салбий таъсир этувчи омилларни камайтириш; маҳаллий, минтақавий ва миллий даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг экологик жиҳатларини эътиборга олиш; экологик хавфсизлик даражасини ошириш, экологик таҳдидлар мониторингини самарасини кучайтириш ва тегишли комплекс чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш эвазига уларнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш ва бартараф этиш; экологик жиҳатдан ифлосланган худуларни реабилитация қилиш ва биосфера фаолиятини тиклаш. Мамлакатнинг минерал-хомашё комплексини барқарор ривожланишининг бир қатор омиллари асослаб берилган, шу жумладан, стараплардан, венчур фондлардан, эко-инновациялардан фойдаланиш, инфраструктурани ривожлантириш. Тадқиқот усуллари: тизимли таҳлил, таҳлил ва синтез усули, омиллар асосида таҳлил, шу жумладан ретроспектив ва истиқболни аниқлаш усуллари.

Целью работы является изучение роли минерально-сырьевого комплекса в экономике Узбекистана, проблемы формирования эколого-экономической модели развития минерально-сырьевого комплекса страны, влияние минерально-сырьевого ресурса на экономическое развитие страны. Поставленная цель исследования предопределила необходимость решения следующих задач: исследование устойчивого развития минерально-сырьевого комплекса Узбекистана; оценка современного состояния минерально-сырьевого комплекса страны на основе системного анализа и влияния факторов экономического роста, модернизации производства; оценка потенциала перспективного развития минерально-сырьевого комплекса в современных условиях, определение приоритетных направлений его развития, предложение соответствующих мер и механизмов. В статье рассматриваются особенности минерально-сырьевого комплекса Узбекистана, анализируется опыт его развития. лари, минерал-ҳомашё комплексининг ривожланиш тажрибаси таҳлил қилинган. Замонавий экологик вазиятда мамлакатнинг минерал ҳом-ашё комлексининг барқарор ривожланиш хуусиятлари, устувор йўналишлари кўриб чиқилган. Асосий эътибор мамлакатнинг минерал ҳомашё комплексининг ривожланишига экологик муаммоларнинг таъсири кўриб чиқилган.

Эффективное развитие минерально-сырьевого комплекса страны предполагает разработку и реализацию комплекса мер, включающих: модернизацию и технологическое перевооружение предприятий в целях снижения отрицательного воздействия экологических факторов; социально-экономическое развитие на местном, региональном и национальном уровнях с учетом эколгтических факторов; снижение и предотвращение вредного воздействия экологических факторов на основе повышения экологической безопасности и эффективности мониторинга экологических угроз, разработки и осуществления комплекса соответсвующих мер; реабилитация загрязненных территорий и восстановление биосферы. В статье предложены ряд мер по устойчивому развитию минерально-сырьевого комплекса Узбекистана, включая меры по использованию стартапов, эко-инноваций, расширению деятельности венчурных фондов и инфраструктуры. Методы исследования: системный и сравнительный анализ, метод анализ и синтеза, факторный анализ, включая ретроспективный и перспективный методы.

The purpose of the research is considers a role of complex of mining industry in economy of Uzbekistan, problems of the formation of ecology and economic model of the minerals complex, influence of the complex of mining industry on the country's economic development. In order to achieve the purpose the following tasks were set out: study of sustainable development of mineral complex of Uzbekistan; assessment of the current situation of mineral complex on the base of the systematic research of the influence of the factors of economic growth, modernization of production; assessment of the potential for perspective development of the minerals complex in modern conditions; definition of priorities directions of development and the proposal of appropriate measures and mechanisms. This article discusses specifics of mineral resourses of Uzbekistan, analyzes experience of development mineral complex. This article is dedicated to the meaning importance, particularity and the priorities of sustainable development of the mineral complex of Uzbekistan in condition of ecologic situation.

The main attention was paid to the analysis of reasons and factors of ecologic problems and their influence of the development mineral complex of country. For the effective to make use of mineral resources important realize series arrangements: modernization and technique technological development of mining industry, minimization of negative effect ecological factors; pay attention to ecological aspects of social and economic development of mining industry on the local, regional and national levels; increase ecological security, monitoring of ecological threats, realization of complex arrangements for minimization of ecological threats and prevention of negative influence on economy of Uzbekistan; rehabilitation of the polluted territory and restoration of biosphere. The article presents some factors of sustainable development of mineral complex of Uzbekistan, including utilization of start-up, eco-innovations, expansion of activity of venture funds and improvement of infrastructure. Methods of research: systems analysis, comparative analysis, method of analysis and synthetic procedure, factorial method, including retrospective and perspective methods.

1-жадвал

Турли мамлакатлар гуруҳи доирасида минерал хомашёни қазиб чиқариш ва истеъмол қилиш, жаҳон ҳажмига нисбатан, % да

Мамлакатлар гуруҳлари	Аҳоли сони, %	Қазиб чиқариш, жами	Қазиб чиқариш, 1% аҳолига нисбатан	Истеъмол, жами	Истеъмол, 1% аҳолига нисбатан
Ривожланган	16	37 (35)	2,31 (2,19)	53 (52)	3,31 (3,25)
Ривожланаётган	52	36 (37)	0,69 (0,71)	22 921)	0,42 (0,40)
Бошқа мамлакатлар	32	27 (38)	0,84 (0,88)	25 (27)	0,78 (0,84)

Манба: Старостин С., Трофимов В., Пущаровский Д. Журнал «Золотой Лев» № 71-72 - издание русской консервативной мысли.// www.zlev.ru

Ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Германия, Франция, Япония ва бошқалар) дунё аҳолисининг 16 % ни ташкил қилиб, ер куррасида қазиб олинаётган бойликларнинг ярмидан кўпини истеъмол қилишади.

Глобаллашув жараёнлари ва илмий-техник тараққиёт ягона минерал-хомашё базасининг ривожланишига олиб келмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳонда минерал хомашёни ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ва истеъмолчи мамлакатларнинг яхлит тизими вужудга келди хамда орадаги боғлиқлик доимо ўзгарувчан хусусиятга эга бўла бошлади. 90-йиллар бошларида асосий ўзгаришлар Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларининг (МДҲ) жаҳон минерал-хомашё бозорига чиқиши билан боғлиқ бўлган бўлса, XX асрнинг охирги чорагида Хитой ва айрим йирик мамлакатларнинг (Ҳиндистон, Бразилия, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари) тез суръатлар билан ривожланиши минерал-хомашё савдоси ҳажмининг ўсишига ва мамлакатлараро товар оқимларининг ўзгаришига сабаб бўлди.

Минерал хомашё енгил қазиб чиқариладиган конларнинг захиралари камайиб бориши билан геология-қидирув ишларининг объектлари бўлиб кўп ҳолда ер куррасининг ва океанларнинг чуқур туби, континентал шельфи хизмат қилмоқда.

Айрим ҳолларда технологияларнинг ривожланиши янги тармоқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Суюлтирилган табиий газни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пасайиши транспорт қилувчи қувурларнинг монополиясига таъсир қилмоқда. Сланец нефт ва табиий газни қазиш технологияларининг ривожланиши жаҳон хомашё бозорига ва транспорт оқимларининг ўзгаришига олиб келмоқда. Келажакда муқобил энергия манбалари ва материалларнинг пайдо бўлиши айрим хомашё турларига бўлган талабнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Жаҳон саноатида хомашё тармоқларининг монополлашув жараёнлари рўй бера бошлади. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида нефт нархларининг пасайиши ва йирик нефт компанияларининг бирлашиши натижасида йирик холдинглар пайдо бўла бошлади: ExxonMobil (1998 й.), ChevronTexaco (2001 й.), ConocoPhillips (2002 й.), Royal Dutch Shell (2005 й.), учта Vale, Rio Tinto и BHP Billiton халқаро компаниялари ҳиссасига темир рудалари жаҳон қазиб чиқаришининг 30 фоизи ва жаҳон денгиз савдосининг 70 фоизи тўғри келмоқда.

Сўнгги беш йил ичида жаҳон нефт бозорида фаолият юритаётган энг йирик трансмиллий корпорацияларнинг 75 % бирлашиш ва сингиб кетиш жараёнларида иштирок этди (2-жадвал).

2-жадвал

Жаҳон нефт бозоридаги трансмиллий корпорацияларнинг энг йирик бирлашиш ва сингиб кетиш жараёнлари

Янги активларни киритаётган ТМК	Сингиб кетаётган ТМК	Бирлашиш ва сингиб кетиш ҳажми, АҚШ млрд долл.
«Exxon»	«Mobil»	86
«Total Fina»	«Elf Aquitaine»	51
«Chevron»	«Texaco»	43
«8P Amoco»	«Areo»	26,6
«Repsol»	«YFG»	13,4
«Norsk Hydro»	«Saga Petroleum»	4,9

Манба: Транснациональные корпорации в ведущих отраслях мировой экономики в начале XXI века. **https://studme.org/1034050224947/ekonomika/transnatsionalnye_korporatsii_veduschih_otraslyah_mirovoy_ekonomiki_nachale_xxi_veka**

Таҳлил. Минерал-хомашё базасидан самарали ва рационал фойдаланиш давлатимизнинг модернизациялаш ва технологик жиҳатдан такомиллаштиришга, МХКнинг барча бўғинларида фаолият юритаётган геологик-қидирув, қазиб чиқарувчи корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ошириш эвазига мамлакатимизнинг рақобатбардошлик даражасини оширишга имконият очиб беради.

Ушбу стратегик мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажариш катта аҳамият касб этади:

– минерал-хомашё комплексини ривожлантириш асосида миллий иқтисодиётнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳозирда ва келажакда тўлиқ қондириш;

– табиий муҳитга салбий таъсир этувчи омилларни камайтириш;

– маҳаллий, минтақавий ва миллий даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг экологик жиҳатларини эътиборга олиш;

– экологик хавфсизлик даражасини ошириш, экологик таҳдидларнинг мониторинги самарасини кучайтириш ва тегишли комплекс чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш эвазига уларнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш ва бартараф этиш;

– экологик жиҳатдан ифлосланган ҳудудларни реабилитация қилиш ва биосфера фаолиятини тиклаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 сентябрь, 720-сонли «Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳамда давлат бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан республика бўйича норуда фойдали қазилма бойликларни қазиб олувчи ташкилотларнинг рўйхати ва улар томонидан қазиб олинган фойдали қазилмалар захиралари ҳажмининг ягона интеграциялашган идоралараро электрон базасини шакллантириш белгиланган [1].

Табиий қазилма бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ҳамда уларнинг ҳаққоний ҳисобини юритишни таъминлаш мақсадида барча ер қаъридан фойдаланувчи ташкилотлар ҳар йили бир марта йиллик қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажмлари тўғрисида маркшейдерлик хулосасини тузадилар ва Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш ҳудудий инспекцияларига тақдим этадилар.

Табиий ресурслар, биринчи навбатда, минерал-хомашё ресурслари инсоният фаолият юритишининг асосини ташкил этади ва жаҳон цивилизацияси ривожланишининг келажагини белгилаб беради. Аҳоли сони ўсиши ва илмий-техник тараққиёт жадал ривожланиши билан минерал-хомашё салоҳиятининг иқтисодиётдаги ўрни тобора ошиб бормоқда. Жаҳонда охирги 60 йил ичида минерал хомашёни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш олдинги инсоният тарихига қараганда кўпроқ бўлди [2].

90-йиллар бошларида асосий ўзгаришлар Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларининг (МДҲ) жаҳон минерал-хомашё бозорига чиқиши билан боғлиқ бўлган бўлса, XX асрнинг охирги чорагида Хитой ва айрим йирик мамлакатларнинг (Ҳиндистон, Бразилия, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари) тез суръатлар билан ривожланиши минерал-хомашё савдоси ҳажмининг ўсишига ва мамлакатлараро товар оқимлари ўзгаришига сабаб бўлди [3].

Сўнгги беш йил ичида жаҳон нефт бозорида фаолият юритаётган энг йирик трансмиллий корпорацияларнинг 75% бирлашиш ва сингиб кетиш жараёнларида иштирок этди [4].

Ушбу шароитда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида МХК ривожланишининг стратегик йўналишларидан бири минерал-хомашё базасидан самарали ва рационал фойдаланиш давлатимизни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида МХКнинг барча бўғинларида фаолият юритаётган геология-қидирув, қазиб чиқарувчи корхоналарнинг салоҳиятини ва рақобатбардошлик даражасини оширишдир.

Бугунги кунда минерал-хомашё базаси жадал ривожланиши асосида нафақат иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда, балки миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимининг муҳим бўғинларидан бирига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга миллий иқтисодий хавфсизлик масалаларини ҳал этишда стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал-хомашё базасини ривожлантиришда унинг инновацион жиҳатларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг МХК миллий иқтисодий хавфсизликнинг муҳим стратегик элементи ва келажакда давлатлараро ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишининг пойдевори, деб таъкидлаш мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз минерал хомашёнинг жаҳон бозорида кўп йўналишлар бўйича мустаҳкам мавқени эгаллади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ-1396-сонли «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида ресурс базасининг ривожланиши, республика иқтисодиётининг базавий соҳаларини барқарор ривожлантириш учун фойдали қазилмалар саноат захираларининг қўшимча ўсиши ҳамда экспорт салоҳияти кенгайтирилишига эришилди.

Ўзбекистондаги минерал ресурслар хомашёси 5,7 триллион АҚШ долларига тенг бўлиб, унинг 1 триллион АҚШ доллари қийматга эга бойликлар айни пайтда фойдаланишга тайёр конларда мавжуд, ҳозирда республиканинг 20% майдони ўрганилган холос, келажакда янги ва йирик конларни очиш истиқболлари ҳам мавжуд. Фойдаланилмай турган ер ости бойликларини эксплуатация қилиш учун берилаётган лицензиялар сони ошиб бормоқда. Натижада, сўнгги йилларда 1200дан ортиқ шундай лицензия тақдим этилган [5].

Ҳозирги вақтда мамлакат минерал-хомашё комплексини (МХК) янада ривожлантириш мақсадида корхоналар самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар Стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига кўра «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да илғор ғоялар, смарт-технологиялар ва ноу-хауга асосланган инновацион ривожланишнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилган [6].

Ушбу тармоқлар ва корхоналарда венчурли фондларни, венчурли молиялаштиришни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек, иқтисодиётга инновациялар ва янги технологиялар жорий қилишни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

2023 йил 1 январга қадар венчурли фондлар, юқори технологияли стартап-лойиҳалари, илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-муҳандислик бюроларининг тадбиркорларга ўз янги технологияларини сотиш (фойдаланиш учун бериш)дан олинган даромадларига солиқ бўйича имтиёзлар тақдим қилинган. Шу билан бирга, баъзи муаммоларнинг мавжудлиги кўзланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда [7].

Айрим маҳсулотлар ва хомашё ресурслари турларида маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми етарли эмаслиги зарур захирани шакллантириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконини бермаяпти, бу эса спекулятив операцияларга, охир-оқибатда, талаб юқори маҳсулот ва хомашёлар нархининг ўсишига олиб келмоқда.

Юқори ликвидли маҳсулотлар ва хомашё ресурсларини биржа савдоларида реализация қилишнинг самарали бозор механизмларини жорий этишдаги камчиликлар турли хил суиистеъмолчиликлар учун шарт-шароит яратмоқда.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланишни лицензиялашнинг мураккаб тартиб-қоидалари маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва мазкур соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ва хомашё ресурсларини импорт қилишда давлат божлари юқорилиги улар тақчиллигининг юзага келиши ва нархларнинг асоссиз ўсишига шарт-шароит яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятининг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратди, ушбу соҳада ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва янги корхоналарни қуриш бўйича вазифаларни белгилаб берди.

Шу муносабат билан ер қаърини комплексли геологик тадқиқ қилиш ва узоқ истиқболга мўлжалланган минерал-хомашё базасини ривожлантириш бўйича иш янги даражага кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мазкур соҳада янги бошқарув тизими ташкил этилди. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг асосий вазифалари этиб ер қаърини геологик тадқиқ қилиш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга доир ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, тоғ ишлари муносабатларини бошқариш, минерал-хомашё базасини тезкор ривожлантириш ва унинг тикланишини таъминлаш, янги хомашё турлари ва конларини қидириш, геология-қидирув ишига замонавий усуллар ва юқори технологияларни жорий қилиш, кадрлар касб малакаси даражасини ошириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрда ўтказилган геология-қидирув ишлари самарадорлиги, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, минерал хомашё ва қимматбаҳо металлар ресурс базасини ошириш бўйича муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилишда геология соҳасининг ҳозирги аҳволи танқидий таҳлил қилинган, ер қаъридан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ва тоғ ишларини бошқариш бўйича аниқ механизм мавжуд эмаслиги, шунингдек, мазкур соҳага етарлича эътибор қаратилмаганлиги кўрсатиб ўтилган, ушбу соҳада илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ишининг мутлақо янги тузилмаси ва иш йўналишларини ишлаб чиқиш, унинг салоҳиятини ошириш зарурати таъкидланган [8].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 сентябрь, 720-сонли «Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳамда давлат бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан республика бўйича норуда фойдали қазилма бойликларни қазиб олув-

чи ташкилотларнинг рўйхати ва улар томонидан қазиб олинган фойдали қазилмалар захиралари ҳажмининг ягона интеграциялашган идоралараро электрон базасини шакллантириш белгиланган [9].

Кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш борасида 2017–2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва тиклаш давлат дастури доирасида комплексли геология-қидирув ишлари амалга оширилмоқда. Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан саноат ўзлаштирилиши учун тайёрланган 13 та кон бўйича захиралар тасдиқланган, яна 13 та кон бўйича захираларни тасдиқлаш режалаштирилган.

Тоғ-металлургия саноатини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболи, ҳудудларни индустриаллаштиришда мазкур соҳа ролини ошириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ҳамда қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, янги корхоналарни ташкил этиш ва янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирликлар ва идоралар томонидан минерал-хомашё базасини ривожлантириш дастурлари қайта кўриб чиқилмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган дастурга мувофиқ, 2017–2026 йилларда соҳа корхоналарида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича комплексли иш бошланган: Навоий тоғ-металлургия комбинатида 27 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Умуман олганда, Ўзбекистон яқин беш йил ичида минерал-хомашё ресурсларини қайта ишлаш учун 649 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш доирасида 40 млрд. АҚШ доллари йўналтиради. Рангли ва қимматбаҳо металларни қайта ишлаш учун қиймати 217 млн. АҚШ долларилик 6 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган [10].

Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалар захираси Давлат баланси маълумотига кўра, мамлакатимиз ҳудудида 1895 та кон топилган. Булардан 235 таси – углеводородлар, 151 таси – металл, еттитаси – кўмир ва ёнувчи сланец, 55 таси – тоғ-кон хомашёси, 34 таси – тоғ-кимё ва 30 таси – чақноқ тош хомашёси, 764 таси – турли мақсадли қурилиш материаллари ҳамда 619 таси – чучук ва ерости минерал сувлари [11].

Замонавий босқичда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги босқичи ва хўжалик юритишда бозор тизимининг такомиллаштирилиши, кучайиб бораётган рақобат миллий иқтисодиётда саноатнинг ўрни ва ролини қайта кўриб чиқиш, уни жадал янгилашни ҳамда модернизация қилиш заруратига олиб келади. 2030 йилга келиб ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) саноатнинг улуши бугунги 33,5 фоиз ўрнига 40 фоизгача ўсиши керак. Булар, шубҳасиз, хўжалик айланмасига хомашёнинг янги манбаларини киритиш билан бирга амалга оширилади [12].

Минерал-хомашё базасидан фойдаланиш самарадорлигининг оширилиши ва МХКнинг такомиллаштирилиши бир қатор биринчи даражали вазифаларни ҳал этишни талаб қилади:

– минерал хомашёнинг зарурий (етарли) ички истеъмоли ва экспорти ўртасида иқтисодий жиҳатдан асосланган балансни аниқлаш ҳамда асослаш, ер қаъри имкониятидан оқилона фойдаланиш ва экологик омилларни ҳисобга олиш. МХКни ривожлантириш борасида мазкур моделнинг мақсади мамлакат минерал-хомашё комплекси ва иқтисодиётнинг индустриал-инновацион секторини шакллантириш;

– экспорт ҳажмини ошириш ва минерал хомашё билан ўзини ўзи таъминлаш моделларидан замонавий диверсификациялашган, инновацион-хомашё комбинациялашган моделига ўтиш;

– мамлакат минерал-хомашё хавфсизлигини таъминлаш ва минерал-хомашё комплекси рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш доирасида МХК объектларини ўрганиш, баҳолаш ва ишлаб чиқишни рағбатлантириш;

– иккиламчи ресурслар ўзлаштиришни амалга ошириш, минерал хомашёни қайта ишлаш ва тежамкор эко-технологияларни жорий қилиш бўйича чора-тадбирларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

– фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича илғор хорижий технологиялар устидан мониторинг қилиш, замонавий техника воситалари ва асбоб-ускуналар харид қилишни таъминлаш;

– минерал-хомашё йирик захирасига эга ҳудудларда транспорт ва энергетика инфратузилма ташкил этилишини рағбатлантириш, мамлакатнинг қазиб олиш соҳалари билан боғлиқ алоҳида ҳудудларини ривожлантириш;

– МХК корхоналарининг атроф-муҳитга, жумладан, инсон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, тупроқ, ер қаъри, атмосфера, ерости ва ер усти сувларига салбий таъсирини камайтириш ҳамда уларни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Табиий ва антропоген таъсири остида атроф-муҳитнинг сифат жиҳатдан глобал ўзгари-

шларини таҳлил ва башорат қилиш долзарб масалаларига айланиб бормоқда. Унинг натижасида кузатилаётган иқтисодий қалтисликлар: моддий бойликларнинг йўқотилишига, уларни қайта тиклаш билан боғлиқ харажатлар эса йилдан-йилга ошиб боришига сабаб бўлмоқда; турли касалликларнинг авж олиши, аҳоли саломатлигининг ёмонлашиши, кўплаб инсонларнинг миграция қилишга мажбур бўлиши билан боғланмоқда[13].

Натижада «иқтисодий қалтислик» тушунчаси турли маъноларни англатиши мумкин: экологик оқибатларга олиб келувчи авариялар ё табиатга, аҳоли саломатлигига келтирилган зарарлар билан боғлиқ бўлмоқда [14]. Глобал экологик қалтисликлар қаторига эса биосферанинг бузилиши, экотизимнинг ўзгариши, ерлар деградацияси, ўрмон, кўллар ва дарёларни йўқ бўлиб кетиши киритилмоқда.

Экологик қалтисликларнинг келиб чиқишида техноген фаолиятнинг таъсири нафақат атроф-муҳитнинг ўзгариши ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши билан, балки экологик-иқтисодий ва табиий-хўжалик тизимларининг ҳам ўзгаришига олиб келмоқда. Шуни айтиш жоизки, турли қалтисликларни баҳолашда ўзига хос усулларини қўллаш кузатилмоқда.

Айрим муаллифлар технологик қалтисликларни келтириб чиқарувчи таҳлил қилиш ва баҳолашда, айниқса янги технологиялар тўғрисида гап кетганда статистик усуллардан фойдаланиш самараси унчалик яхши бўлмаяпти. Ушбу вазиятда хавфсизликни таҳлил қилишда эҳтимоллик назариясига асосланган моделлаштириш ва сценарий усулларидан фойдаланишни тавсия этишмоқда (probabilistic safety assessment, PSA) [15].

Бошқа илмий ишларда эса экологик тадқиқотларни олиб боришда детерминант ва стохастик математик моделлардан фойдаланиш эътироф этилмоқда [16].

Ҳозирда экологик тадқиқотларни олиб боришда стохастик ёндашув кенг тарқалган. Улар қаторида 1-чи и 2-чи даражадаги Монте-Карло усули (first- and second-order Monte Carlo simulation), сезгирлик усули асосида таҳлил (sensitivity analysis), интерваллик таҳлил (interval analysis), сифатли моделлаштириш (Qualitative Modelling), Байес ишонч тармоқлари (Bayesian Belief Networks), Айкаике ахборот критерияси (Aikake Information Criteria), чегараларни эҳтимолли назарияси асосида таҳлил (Probability Bounds Analysis), ахборот дефицити назарияси (Information Gap Theory) [17]. Экологик қалтисликларни баҳолашдаги қўлланиладиган ушбу усуллар Г.У. Сатернинг (Suter G.W.) ишида батафсил ёритилган [18].

ЮНЕСКОнинг Ҳаётни таъминлаш тизими энциклопедиясида (Encyclopedia of Life Support Systems) уч типдаги экологик қалтисликлар келтирилган: жиддий оқибатларга олиб келадиган ва рўй бериши кам бўлган қалтисликлар; тез учраб турадиган ва оқибатлари унчалик жиддий бўлмаган қалтисликлар; ўрта даражада ва оқибатлари ҳам ўртача бўлган қалтисликлар [19].

Европа Иттифоқи ва Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) тажрибасига асосланиб корхоналарни, шу жумладан кичик ва ўрта корхоналарни, экологик самарадор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш борасида қуйидаги чора-тадбирларни қўллаш мумкин.

OECDга аъзо бўлган мамлакатларда кичик ва ўрта мамлакатлар барча турдаги мамлакатларнинг 99 фоизини, бандликда эса 75 фоизини ташкил қилади. Ҳар бир кичик ва ўрта корхонанинг экологик вазиятни яхшилашдаги алоҳида улуши кам бўлишига қарамасдан, уларнинг синергетик самараси кўп ҳолларда йирик корхоналарнинг улушидан кўп бўлиши мумкин. Мисол учун, кичик ва ўрта корхоналарнинг Европадаги, умуман саноат тармоғининг ифлослантиришдаги улуши 60-70 фоизни ташкил қилади [20].

Марказий Осиё минтақасида ва Ўзбекистонда саноат тармоқларининг ривожланиш тажрибаси, рақобатбардошлигини ошириш механизмлари ва унда кичик бизнесни тутган ўрни М.Воҳидова, Ш.Давирова, Г. Ғуломова , Р.Содиқова томонидан кўриб чиқилган.

М.Воҳидова ва бошқалар Марказий Осиё минтақасида трансчегаравий эркин иқтисодий худудларнинг ривожланишида саноат тармоқларининг ҳамкорлигига катта эътибор қаратишган [21].

Р. Содиқова ривожланган мамлакатларнинг мисолида кичик бизнесда рақобат муҳитини шакллантиришнинг хусусиятлари ва мамлакат иқтисодиётини ривожланишида тутган ўрни, қўллаб-қувватлаш тизими кўриб чиқган [22].

Натижада хомашё салоҳиятини самарали ошириш концепциясининг замонавий мослашиш механизмлари катта, ўрта ва кичик корхоналарнинг табиий муҳитга салбий таъсирини камайтириш миллий иқтисодиёт ривожланишининг экологик жиҳатларини эътиборга олишининг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

Хулосалар. Келтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш натижасида янги конларнинг ўзлаштирилиши нафақат хомашё базасини кенгайтиради ва металлургиянинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширади, балки мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги стратегиясига мос келади. Мазкур стратегияга мувофиқ бошқа

соҳалар, хусусан нефть, газ, газ-кимё саноати ва бошқаларнинг ҳам хомашё базаси кенгайтирилади;

фойдали қазилма турларининг комплексли характери ва юқори концентрациялашуви уларни самарали ўзлаштириш, жаҳон бозорида тоғ-кон саноатининг рақобатбардош корхоналарини шакллантириш учун шароит яратади;

истиқболда, мамлакат учун минерал хомашёнинг аҳамияти камаймайди, чунки аҳоли сони ўсиши ва яшаш даражаси ошиши билан бирга энергия, металлар ва бошқа фойдали қазилмаларнинг аҳоли жонбошига истеъмоли ҳам ўсади.

Миллий иқтисодиёт барқарор ўсиши ресурс-самарадор моделига ўтишнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни эътиборга олиш керак:

– фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва бизнес давлат экологик сиёсатни яратиш ва амалга оширишдаги ҳамкорлигини кучайтириш;

– табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув кадрлар компетенцияларини ва касбий тайёргарлигини ошириш;

– экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ахборот алмашув шароитларини яхшилаш;

– ишлаб чиқаришда атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган, ресурс сиғими кам бўлган маҳсулотлар ва технологияларни жорий этишда технологик ва ташкилий-бошқарув инновацияларни яратиш ва татбиқ этишни рағбатлантириш;

– мамлакат корхоналарида экологик сертификатлаш, экологик бошқарув ва аудит, товарларнинг экологик маркировкасини жорий этиш;

– миллий атроф-муҳитни мониторинг тизимини ривожлантириш ва замонавий ахборот тизимларини, смарт-карталарни ва бошқа технологияларни жорий этиш;

– атроф-муҳитни сақлаш ва муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма илмий тадқиқотлар амалга ошириш ва натижаларини жорий этиш, халқаро экологик стандартларни иқтисодиётнинг барча соҳаларига киритиш;

– турли объектларни халқаро стандартлар асосида экологик сертификатлаш.

Қайд этилган чора-тадбирлар мамлакат хомашё салоҳияти самарадорлигини оширишга, минерал-хомашё комплексининг экологик-иқтисодий моделини шакллантиришга кўмаклашиши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 10 sentabr, 720-sonli «Tabiiy resurslardan samarali va oqilona foydalanishni ta’minlashning hamda davlat budjeti daromadlarini oshirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi qarori.// http://lex.uz/docs/3901273.
2. Strategiya razvitiya mineralno-syirevoy bazy rossiyskoy federatsii do 2030 goda. Proyekt. M.: 2016.
3. Starostin S., Trofimov V., Pusharovskiy D. // Jurnal «Zolotoy Lev» № 71-72 - izdaniye russkoy konservativnoy mыsli.// www.zlev.ru (pokazan ob-щiy ob’em mineralnogo sыrya, skobkax - toplivno-energeticheskiye resursы)
4. Transnatsionalnыe korporatsii v vedushix otraslyax mirovoy ekonomiki v nachale XXI veka. https://studme.org/1034050224947/ekonomika/transnatsionalnye_korporatsii_veduschih_otraslyah_mirovoy_ekonomiki_nachale_xxi_veka
5. O‘zbekistondagi yer ostki mineral resurslarining umumiy qiymati 5,7 trillion dollarga teng.https://kun.uz/news/2018/07/22/uzbekistondagi-er-ostki-mineral-resurslarning-umumij-kijmati-57-trillion-dollarga-teng-kumita
6. Ukaz Prezidenta Respubliki Uzbekistan «O gosudarstvennoy programme po realizatsii strategii deystviy po pyati prioritetnyh napravleniyam razvitiya Respubliki Uzbekistan v 2017-2021 godax v «God podderjki aktivnogo predprinimatelstva, innovatsionnыx idey i texnologiy» (22.01.2018 g. http://uza.uz/ru/documents/o-gosudarstvennoy-programme-po-realizatsii-strategii-deystvi-23-01-2018
7. “Mamlakat iqtisodiyotining tarmoqlarini talab yuqori bo‘lgan mahsulot va xomashyo turlari bilan barqaror ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 17-yanvar, PQ-3479-sonli qarori. //www. Lex.uz
8. Poleznye iskopayemye doljny slujit interesam naroda. https://www.mf.uz/novosti-uzbekistana/item/2102-poleznye-iskopaemye-dolzhny-sluzhit-interesam-naroda.html
9. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 10 sentabr, 720-sonli «Tabiiy resurslardan samarali va oqilona foydalanishni ta’minlashning hamda davlat budjeti daromadlarini oshirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi qarori.// http://lex.uz/docs/3901273
10. Uzbekistan napravit na pererabotku mineralno-syrevyx resursov $40 mlrd. http://www.podrobno.uz/cat/economic/uzbekistan-napravit-na-pererabotku-mineralno-syrevykh-resursov-40-mlrd/20 Yanvarya 2017g.
11. Turamuratov I. Na territorii Uzbekistana otkryto 1895 mestorojdeniy. http://1news.uz/na-territorii-uzbekistana-otkryto-1895-mestorojdeniy/
12. Maxmudov E. Rasshiryayetsya syrevaya baza promyshlennosti. http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/50422-rasshiryatsya-sirvaya-baza-promishlnnosti 25.09.2017.

13. Dmitriyev V.G. Otsenka ekologicheskogo riska. analiticheskiy obzor./ https://narfu.ru/upload/iblock/cfb/11.pdf
14. Otsenka ekologicheskogo riska. https://studref.com/305368/meditsina/otsenka_ekologicheskogo_riska
15. Sornette D., Maillart T., Kroger W. Exploring the limits of safety analysis in complex technological systems / Risk Center, Zurich, 2013. http://arxiv.org/pdf/1207.5674.pdf.
16. May R. and McLean A. Theoretical Ecology. Principles and Applications / Oxford University Press Inc., New York. 2007. 268 pp.; Legendre P., Legendre L. Numerical Ecology. Second English edition / Elsevier Science B.V., Amsterdam, 1998. 853 pp.; Gillman, M. An introduction to mathematical models in ecology and evolution: time and space / A John Wiley & Sons, Ltd., 2nd ed. 2009. 167 pp.
17. Bieda B. Stochastic Analysis in Production Process and Ecology Under Uncertainty / Berlin, New York: Springer, 2012. 189 pp.
18. Suter G.W. Ecological Risk Assessment in the United States Environmental Protection Agency: A Historical Overview // Integrated Environmental Assessment and Management. - 2008. Volume 4, Number 3. Pp. 285-289.
19. Pollard S. J. T. Ecological and public health risks: analysis and management / UNESCO Encyclopedia of Life Support Systems (EOLSS). 2002. PR. 219-235.
20. Miller, K. et al. (2011), *First Assessment of the Environmental Assistance Programme for SMEs (ECAP*)**,** Final report, prepared by AEA Technology Plc. for the European Commission, DG Environmental and Climate Action, London.
21. Vokhidova M. Kh., Davirova Sh., Gulyamova G.3., Mukhamedaminov A. O. Opportunities for establishment of transborder free economic zones in Central Asia. Religacion. Revista de Ciencias Sociales y Humanidades Vol 4 • N. 16 • Quito • Trimestral • Junio 2019. pp. 754 - 761 • ISSN 2477-90
22. Sadiqova R. Foreign practice of forming competitive environment in small business. «Foreign Practice of Forming Competitive Environment in Small Business,»The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 21. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/21